



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ОИЛА ХУҚУҚИНИНГ МУАММОЛАРИ

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
“Хуқуқий фанлар” кафедраси
профессори В.Р.Топилдиев
ю.ф.д., профессор

Аннотация

Мазкур мақолада оила хуқуқида мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолар кўриб чиқилган, оилани химоя қилиш борасидаги суд амалиёти таҳлил этилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигини тегишли йўналишларини такомиллаштириш лозимлиги таклиф этилган.

Калит сўзлар: хуқуқ, оила хуқуқи, никоҳ, оила-никоҳ муносабатлари, хуқуқий тартибга солиш муаммолари, никоҳ муносабатларини норматив тартибга солиш.

ПРОБЛЕМЫ СЕМЕЙНОГО ПРАВА В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация

В данной статье рассмотрены наиболее актуальные проблемы, которые существуют в семейном праве, представлен анализ судебной практики в области охраны семьи, а также представлены направления совершенствования семейного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: право, семейное право, брак, брачно-семейные отношения, проблемы правового регулирования, нормативное регулирование брачных отношений.

PROBLEMS OF FAMILY LAW IN THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract

This article examines the most pressing problems that exist in family law, presents an analysis of judicial practice in the field of family protection, and also

presents directions for improving the family legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: law, family law, marriage, marital and family relations, problems of legal regulation, normative regulation of marital relations.

Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга, ёш авлодни жисмоний ва рухий соғлом қилиб тарбиялашга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон деб аталадиган демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатда оилавий муносабатларга оид ахлоқий нормалар ҳуқуқий қоидалар билан узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий нормаларни муайян муносабатларга татбиқ қилиниши, умуминсоний ахлоқ талабларини амалга оширишни таъминласа, ахлоқий нормалар эса, ўз навбатида, қонунларни бузмасдан тўғри амалга ошириш, қонун талабларига оғишмай риоя этиш учун зарур ҳиссиётларни туғдиради. Адолат ва тенглик қарор топган демократик жамиятда оилавий муносабатлар юксак идеаллар – муҳаббат, дўстлик, биродарлик, ўзаро ҳурмат-иззат тамойиллари асосида тузилиши муқаррар. Никоҳнинг озод бўлиши, эр ва хотиннинг никоҳга ўтишининг эркин бўлиши оила муносабатларининг мустаҳкам ва абадий бўлиши учун гаровдир.

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев оиланинг жамиятдаги ўрнига баҳо бериб, шундай дейдилар: “Оила – жамиятнинг негизи, бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш лозим. Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади. Оила мен учун муқаддас. Муқаддаслиги шуки, авваломбор қаерда ишлашидан қатъий назар, ким бўлишидан қатъий назар агар оилада тарбия, оилада мухит, оилада халоллик, муносабат, тарбияга алоҳида эътибор берилмаса, ҳеч қачон натижа бўлмайди.

Дарҳақиқат, оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади.

Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан асосий мақсад оиланинг мустаҳкам бўлишидан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик замирида барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан иборат. Ушбу мақсад оилавий муносабатларни тартибга солувчи барча қонунчилик ҳужжатларининг ғояси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир”, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. [1].

Конституциямизда ушбу норманинг мавжудлиги бошқа қонунчилик ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихдан маълумки, оила – жамиятнинг негизи ва давлатнинг таянчи ҳисобланади. Масалан, Қадимги Рим давлатида оила давлат ячейкасидан иборат бўлган уй-хўжалигини бошқарувчиси, ота-она, ака-ука, опа-сингиллар, куллар, васийлик ёки ҳомийликда бўлган шахсларнинг жамоаси бўлиб ҳисобланган. [2,3,19,20,21].

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 8 бўлим, 30 боб, 238 та моддани ўз ичига олади. Оилавий ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини 1-моддасига асосан оила тўғрисидаги қонунчиликнинг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир. [4].

Оилада низолар, нотинчликлар, ажримлар, эр ва хотин ўртасидаги мажбуриятлар, болалар тарбияси, жамиятда миграция, иқтисодий таъминланганлик даражасининг пастлиги, оилавий муносабатларга дахлдор ҳуқуқий механизмларнинг носозлиги, ишсизлик ва бошқалар алоҳида пайдо бўлиб, илдиз отадиган муаммолар эмас. Улар аксарият ҳолларда жамиятдаги бошқа, йирикроқ кўламдаги масалалар негизида пайдо бўлади, улардан «озикланиб», етилади ва оғриқли ярага айланади.

Бугунги кунда жамиятда оилавий муносабатларда юзага келаётган муаммоларнинг асосий сабабларига:

ёшларнинг оила деган энг олий қадриятни тушунмаслиги, эр ва хотиннинг бурч ва масъулиятини тўлиқ ҳис этмаслиги;

айрим ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси ва уларнинг таълимига масъулиятсизлик билан қараши, мажбуриятларини бажармаслиги;

оиланинг моддий ва маънавий ҳолати, борида қаноат қилмаслик, ўзаро бир-бирини тушуниш, сабр-тоқатнинг етишмаслиги;

эр ёки хотиннинг хиёнати, аёлга нисбатан зўравонлик ишлатиш;

интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали оила қадриятларига ёт бўлган омилларнинг таъсири;

жинсий муносабатларда тиббий нуқсонлар ва бошқа омиллар киради.

Оила ҳуқуқи оилани химоя қилишга қаратилган бўлиб амалдаги оила қонунчилигининг анъаналарига жавоб бериши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда оила ва уни мустаҳкамлаш Бирлашган Миллатлар ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилмоқда. Республикамизда миллий қадриятларимиз асосида шаклланган ва замонавий муҳитда такомиллашиб бораётган оила муносабатлари халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига жавоб берадиган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Охириги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилган қатор давлат дастурлари, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар оилани мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисида”ги, “Хотин -қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони шулар жумласидандир.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида оила ҳуқуқининг муаммолари ичида энг асосийларидан бири бу никоҳ ва никоҳ тузиш масаласи ҳисобланади

1. **Никоҳ тузиш ихтиёрийдир.** Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилятига эга бўлиши керак, демак зўрлаш, алдаш, адашиш, пўписа қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар никоҳнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши мумкин. О.С.Иоффе таъкидлашича, “никоҳ муносабатларини ўрнатишга доир асл ички хоҳишга таянмаган ироданинг ташқи ифодаси ўзи ҳеч қандай вазиятга никоҳдан ўтишга ҳуқуқий жиҳатдан розилик сифатида қабул қилинмайди”. [5].

Мазкур қоида халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган, хусусан, 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг [6]. 16-моддасига кўра, вояга етган эркаклар ва аёллар ирки, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила куришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин, деб белгиланган. 1979 йилги “Хотин-қизлар камситилишининг барча шакллари

барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциянинг”[7]. 16-моддасида ҳам никоҳга кириш эркинлиги, ва розилик тўғрисида қоида ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136-моддасида аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилишга оид белгиланган жавобгарлик учун асос бўлади.

2.Никоҳ фақат никоҳ ёшига етган, вояга етган шахслар ўртасида тузилиши мумкин. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (хомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

ЎзР ОКнинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланган.

Халқаро ҳуқуқ қоидаларига кўра, 1962 йилги “Никоҳга розилик бериш, никоҳ ёши ва никоҳларни қайд этиш тўғрисида”ги Конвенция ва 1965 йилги “Никоҳга розилик бериш, энг кам никоҳ ёши ва ни қоҳларни қайд қилиш тўғрисида тавсиялар” га мувофиқ, иштирокчи давлатларга никоҳнинг энг кам ёшини белгилайдиган қонунчиликни қабул қилиш мажбуриятини юклаган. Белгиланган ёшга етмаган шахсга турмушга чиқишга йўл қўйилмайди. Никоҳ ваколатли органлар томонидан қайд этилади.

Оила ва никоҳ муносабатларига оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи янги 47³-моддада Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиниши, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берганлик ёхуд уйлантирганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиниши, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун базавий ҳисоблаш

миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлиши белгиланган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликни назарда тутувчи янги 125¹-модда киритилган. Унга кўра, “никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган бўлса, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этганлиги учун қўпайттирилган миқдорда миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган. Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмига кўра никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши”[8]. белгиланган.

3. Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳнинг тузилишига йўл қўйилмайди. Кўпгина мамлакатларнинг қонунчилиги бир никоҳлик қоидасига асосланади. Бундай тақиқнинг келиб чиқиши ҳудуддаги мавжуд диний анъаналар ва маданият билан боғлиқдир.

А.М.Нечаева мазкур таъқиқни жуда фавқулодда вазиятларда, масалан, оилада хотиннинг касаллиги ёки фарзанднинг бўлмаслиги, яъни фарзанд кўрмаган ҳолларда бекор қилиш мумкин деб ҳисоблайди. [9].

Бугунги кунда 80 га яқин мусулмон мамлакатларида кўпхотинликка расман рухсат берилган. Ўз қонунчилигида расман кўп хотинлиликни тақиқлаган давлатлар ҳам бор. Жумладан, Туркияда Отатурк кўпхотинлиликни 1924 йил 5 августда расман тақиқлаган. 1959 йилда Тунида кўпхотинлилик тақиқланган. Туркманистонда 2018 йил 1

сентябрдан бошлаб кўпхотинлилик таъқиқланган. Қозоғистонда ҳам кўпхотинлилик таъқиқланган. Қирғизистон Республикаси Оила Кодексининг 15-моддаси билан рухсат берилмаган.

Мамлакатимизда кўп хотинлиликка оид масала жуда мураккаб бўлгани ва у миллий урф-одатлар ҳамда турли динлар билан боғлиқ бўлгани боис, унга жуда мулоҳазали ёндашиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126-моддасига мувофиқ, кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш - базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади..

4.Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Озарбайжон Республикаси Оила Кодексининг 12-моддасида ҳам ўхшаш нормалар мавжуд.[10] Мазкур таъқиқ тиббий нуқтаи назардан асосланган - эр ва хотин ўртасидаги жуда яқин қариндошлик фарзандларининг соғлиғига зарарли таъсир қилади.

Назаримизда мазкур бандини такомиллаштириш лозим. Хусусан хорижий мамлакатлар қонунчилигида бу борада чуқурроқ ёндашилганини кўриш мумкин. Жумладан, Германия империясининг 1875 никоҳ ҳолати ва никоҳ тузиш тўғрисидаги қонунида қуйидагилар ўртасида никоҳга йўл қўйилмаслиги келтирилиб ўтилган:

- тўғри ва ён шажарадаги қон гуруҳидаги инсонлар;
- ака-ука ва опа-сингиллар;
- ўғай ота ва ўғай қиз, ўғай она ва ўғай ўғил, қайнота ва келин, қайнона ва куёв;
- фарзандликка олувчи ва қабул қилинган шахс;
- никоҳни бузганлик учун ажрашган шахс ва унинг айбдорлари;
- васийлик ва ҳомийлик остидаги шахс ёки унинг фарзандлари. [11].

Германия Фуқаролик кодексининг 1307-моддасига кўра, никоҳ тўғридан-тўғри туташувчи қариндошлар ўртасида ҳамда туғишган қариндошлар ўртасида тузилиши мумкин эмас.

Масалан, Франция Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-164-моддаларига мувофиқ ака-сингиллардан ташқари амаки-жиян, хола-жиянлар ўртасида никоҳ тузиш ман этилади. [12].

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни Жанубий Корея қонунчилиги анча чеклаган. Корея Фуқаролик қонунининг 809-моддасига кўра, 8-даражагача бўлган яқин қариндошлар ўртасида (шу жумладан, фарзандликка олинганларнинг фарзандликка олишдан аввалги яқин қариндошлари ҳам) никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Японияда ҳам яқин қариндошлар ўртасида никоҳ қанун билан тақиқланган. Япония Фуқаролик кодексининг 734-моддасига биноан, учинчи даражали қариндошлар ўртасида никоҳ тузилиши мумкин эмас. Бироқ, бу асраб олинган фарзандларга нисбатан қўлланилмайди.

735-моддага кўра, никоҳ тўғридан-тўғри туташган шахслар орасида амалга оширилиши мумкин эмас.

Туркия Фуқаролик Кодексининг 129-моддасида қайд этилганидек қуйидаги шахслар ўртасида никоҳ таъқиқланади:

- юқори ва қуйи авлодлар ўртасида;
- ака-сингил ва опа-укалар орасида;
- амаки, тоға, амма, хола ва жиянлар ўртасида.

Агар собиқ турмуш ўртоғи билан никоҳ тутаган бўлса ҳам, собиқ турмуш ўртоқлардан бири иккинчисининг авлодлари ўртасида никоҳ қура олмайди.

Оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи маъмурий ва жиной қонунчилик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ муносабатларига киришиш учун ман қилувчи ҳар бир ҳолатни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Хусусан, никоҳ қурувчилар ўзаро қариндошлик алоқалари мавжуд бўлишига қарамасдан никоҳ қурганлиги учун ҳеч қандай жавобгарлик белгиланмаганлигини кузатиш мумкин.[13].

5. Лоақал биттасининг руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида ҳам никоҳнинг тузилишига йўл қўйилмайди. Мазкур таъқиқ тасодифий эмас албатта, у бир неча шартлар билан асосланган, улардан бири бундай никоҳда туғилган фарзандлар ҳақида ғамхўрликни назарда тутати, чунки руҳий касалликнинг насл бўйича ўтиш эҳтимоли жуда каттадир. Никоҳдан олдин тиббий-генетик текширишдан ўтиш албатта, бундай носоғлом оилалар тузилишининг олдини олади, деб таъкидлайдилар В.П. Шахматов ва Б.Л. Хаскельберг. Улар “хавfli наслий мойиллиги бўлган шахслар туғишларини чекловчи чораларни” қонуний тартибда белгилашни тақлиф қиладилар.[14]. Бу тақлифга М.В. Антокольская қўшилмайди, унинг

таъкидлашича “ривожланган демократик жамиятда қайд этилган шахсларга бола туғишни таъқиқлаш мумкин эмас, чунки бу уларнинг энг муҳим ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади” [15].

Бироқ, бизнинг мамлакатимизда нуқсон билан туғилган боладан аксарият ҳолларда воз кечиб кетишади ва бундай болалар давлатнинг қармоғида қолади. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра [16], Республикада фарзандини ташлаб кетаётган оналар сони: 2020 йилда 90 та, 2021 йилда 76 та, 2022 йилда 75 тани ташкил этган. Рад этиш сабаблари орасида боланинг туғма нуқсонлари (мия фалажи, Даун синдроми ва бошқа касалликлар), никоҳдан ташқари исталмаган ҳомиладорлик, боланинг туғилиши фактини ота-онадан, қариндошлардан ва қўшнилардан яширишга уринишлар қайд этилган).

Бундай никоҳларни таъқиқ этилишининг иккинчи бир сабаби, улардаги меҳнатга лаёқатлик даражаси билан белгиланади. “Ўз-ўзидан маълумки, никоҳ тузишга розилик бериш фуқаролик фаолиятини амалга ошириш қобилияти мавжудлигини назарда тутади: агар бундай қобилият қандайдир шартнома тузиш учун талаб этилса, у унданда аҳамиятли, чунки гап никоҳ каби муҳим иш ҳақида бормоқда” [17]. Никоҳдан ўтиш вақти ҳолатига кўра шахс муомалага лаёқатсиз деб топилмаган, бироқ ўз ҳатти-ҳаракатларининг оқибатларини англамаган ҳоллардаги тузилган никоҳни бекор қилиш мураккаб иш бўлиб, бундай никоҳнинг ҳақиқийлиги умумий асосларда Ўзбекистон Республикаси ОҚнинг 13-17 моддалари асосида кўриб чиқилади.

Буюк Британия, Франция, Швейцария ва АҚШнинг кўпгина штатларида ақли заиф кишиларнинг никоҳ тузиши мумкин эмас [18]. Латвия Республикаси ОҚнинг 62-моддаси, Тожикистон Республикаси ОҚнинг 14-моддаси, Молдова Республикаси ОҚнинг 15-моддаси ҳам худди шундай таъқиққа эга. Украинада, шахс ўз оғир касаллигини ёки эр (хотин) ва (ёки) унинг авлодлари учун хавfli бўлган касалликни беркитгани учун никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (Украина ОҚнинг 41-моддаси 1-қисми).

Россия қонунчилигида муомалага лаёқатсиз шахсларнинг никоҳ тузишларига чекловлар мавжуд эмас. Тожикистон Республикасида никоҳдан ўтаётган шахслардан лоақал бири спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик моддаларини суиисътемом қилиши натижасида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, никоҳ қайд этилмайди (Тожикистон Республикаси ОҚнинг 14-моддаси). Чехия Республикасида муомалага лаёқатсиз шахс билан фақат суднинг розилиги билангина никоҳ тузилиши мумкин. [22].

6. Сохта никоҳнинг тузилишига йўл қўйилмайди. Сохта никоҳ деб шахснинг оила қуриш ниятисиз, бирор бир манфаатни ёки ғаразли мақсадни кўзлаб тузган никоҳи айтилади.

Сохта никоҳ тузувчи эр-хотин доимо маълум бир мақсадни кўзлайдилар. Сохталик ҳар икки томонлама ёки фақат бир томонлама бўлиши мумкин. Агар эр ҳам хотин ҳам сохта никоҳ тузиш ниятида бўлса, никоҳни сохталигини исботлаб бериш жуда қийин. Сохта никоҳни ҳисобли никоҳ (расчётливый брак)дан фарқлаш зарур, бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш мумкин эмас, уни фақат тугатиш мумкин.

7. Никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда бундай никоҳ ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди. Қонун чиқарувчи қайд этилган касалликлар ва ОРВ касаллиги мавжудлиги ҳақида маълум қилишга алоҳида аҳамият беради. [23]. Агар никоҳланувчи шахслардан бири бошқасининг касаллиги ҳақида олдиндан хабардор бўлса, бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш мумкин эмас.

Ҳақиқий бўлмаган никоҳда инсофсиз эр (хотин)га нисбатан ҳуқуқий санкциялар кўпгина мамлакатларнинг қонунчилигида қайд этилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида оила ҳуқуқининг тегишли нормаларини такомиллаштириш оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва никоҳ тузиш муносабатларини янада ривожланишига ва мамлакатимизда оилага оид давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Iqtiboslar/Snoski/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2023.
2. Топилдиев В.Р. Рим ҳуқуқи // Т., "Янги аср авлоди". – Т., 2013. – Б. 263.
3. Топилдиев В.Р. ва бошқалар Рим ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. –Т., «Ҳуқуқ адабиётлари нашри» 2022. 204 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил.
5. Иоффе О.С. Советское гражданское право: Курс лекций. Л.: ЛГУ, 1965. Ч.3.С.201.
6. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml
7. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/conmarr.shtml

8. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2015 й., 34-сон, 451-модда; 2016 й., 3(1)-сон, 32-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.

9. Семейное право: проблемы и перспективы развития: Материалам круглого стола. С. 96.

10. Гойхбарг А.Г. Брачное, семейное и опекуное право советской республики. М.: Гос. изд-во, 1920. С. 32.

11. <https://proza.ru>.

12. Гражданский кодекс Франции. Часть 1. // Российский правовой портал: Библиотека Пашкова. <https://constitutions.ru/?p=25011>

13. Қариндошлар ўртасида никоҳ: сабаб ва оқибатлар. Услубий қўлланма. – Тошкент., 2021. – 39 б.

14. Сидорова С.А. дисс. С.108.

15. Антокольская М.В. Семейное право. -С. 123.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан сўровга асосан тақдим этилган маълумотлар асосида.

17. Мейер Д.И. Русское гражданское право: В 2 ч. М.: Статут, 1997. Ч. 2. С. 350.

18. Сакович О.М. Правоотношения супругов по зарубежному законодательству // Журн. Рос. Права. 2003. № 10. С. 160.

19. Топилдиев В.Р., ва бошқалар. Оила ҳуқуқи. Ўқув қўлланма –Б.: Дурдона нашриёти, 2024. -167 б.

20. Topildiyev V. Oila huquqida himoya choralarini qo'llashning shartlari. Sotsiologiya va huquq, Ilmiy jurnali 4/1/1-сон 11-15 бетлар.

21. Topildiev V., Yarmanov F. Some Reflections on Juvenile Policy of The Republic of Uzbekistan // Ilkogretim Online. – 2021. – Т. 20. – №. 3. – С. 1657-1660.

22. http://juristpraha.cz/ru/semeynoe_pravo_1

23. Гражданское право / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. Т. 3. С. 398.